



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

LNV.M

ТОШКЕНТ

Газета 1998 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий-
саноат газетаси

№ 53 (9.092)

1998 йил

8 май, жума

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ҲАМКОРЛИК

МОСКВА, 6 май. Бугун Кремлнинг мухташам қабуллар саройида Россия Президенти Борис Ельциннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашуви бўлиб ўтди. Иккала давлат Президентларининг суҳбатидан сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом этди. Шу эрининг ўзидики давлат бошликлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин қўшма баёноти имзоладилар.

ИЛ-76 самолётларини ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш, шунингдек, ИЛ-76 ва ИЛ-78

самолётларини эксплуатация ва модернизация қилинишини таъминлаш ҳамда модификациялаш соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида битим имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида маданият ахборот марказларини таъсис қилиш ва уларнинг фаолият шaroитлари ҳақида ҳамда Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Россия Федерациясидаги мақоми ва Россия Федерацияси оммавий ахборот воситала-

ри мухбирларининг Ўзбекистон Республикасидаги мақоми ҳақида битим имзоланди.

Мазкур битимларни Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Россия томонидан ҳукумат раиси ўринбосари О. Сисуев имзоладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислам Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси С. Кириенко билан учрашди. Шунингдек, Г. Плеханов номидagi Россия иқтисодий академиясига таъриф буюриб, академик раҳбарлари ва илфан намояндалари вакиллари билан суҳбатлашди.

Шу кунни Президент Ислам Каримов Россия ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозорига россиялик тадбиркорларнинг янада фаол иштирок этиши ҳар икки мамлакат манфаатларида бирдек мос

қилинини таъкидлади. Ислам Каримов С. Илюшин номидagi авиация мажмуида ҳам бўлиб, мазкур корхона фаолияти билан танишди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерациясига давлат таърифи низоҳасига етди. Икки давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэропортида олий мартабали меҳмонни тантанали кузатиш маросими бўлди. Фахрий қорувул саф тортди. Ўзбекистон ва Россия давлат мажмуи янгради. Мамлакатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати раиси С. Кириенко ва бошқа расмий ки-

шилар кузатиб қолди.

7 май кунни кечкурун Президент Ислам Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэро-

портида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. (УЗА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодий • Иқтисодий соҳа • Маданият

• Қўқон болалар шифохонасининг ҳамшираси Хуршида Темирова «Хамшира-98» республика қўриқ-танловидида ғолиб чиқиб «Тико» энгил автомобили билан тақдирланди.

ЖАҲОНДА

• Бугун МДХ ижроия қотиби этиб тайинланган Борис Березовский Минскда Белоруссия Президенти Александр Лукашенко билан учрашди. Борис Березовский кечанинг ўзидики Кишинёв ва Киевда бўлиб, Молдова ва Украина президентлари билан музокаралар олиб борди. Белоруссиядан у Озарбайжон ва Арманистонга йўл олади.

• Бугун Лондонда Фарбнинг тараққий этган етти давлати ва Россия ташқи ишлар ҳамда молия вазирлари учрашуви бўлиб ўтди. Унда 15-18 май кунлари Англиянинг Бирмингем шаҳрида бўлиб ўтадиган бу 8 давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви кун тартибидики масалалар муҳокама этилади.

• Бугун Киевда Европа ривожланиш ва тараққиёт банкнинг анжумани иш бошлади. 30 мамлакатдан 4 минг нафарга яқин молия ва банк мутахассислари иштирок этаётган ушбу анжуманда кредит ахратиш учун тақдим этилган 800 та лойиҳа муҳокама этилади.

• Лондонда АҚШ давлат қотиби Мадлен Олбрайт хоним воситачилигида Яқин Шарқда боши берк қўчага кириб қолган тинчлик жараёнини давом эттириш юзасидан Исроил ва Фаластин раҳбарлари билан музокаралар амалий натижага эришти. Аммо Исроил Бош вазир Бениамин Нетаньяху ҳам, Фаластин раҳбари Ёсир Арафат ҳам Мадлен Олбрайт хонимнинг келгуши ҳафтада Вашингтонда бу музокараларни давом эттириш ҳақидаги таклифни қабул қилдилар.

• Кеча Латвиянинг Венстилис шаҳрида Болтик ассамблеяси сессияси — Латвия, Литва ва Эстония президентларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Бу ерда шунингдек, ушбу давлатлар ҳукумат раҳбарларидан иборат Болтик кенгаши мажлиси ҳам ўтказилди. Уларда ушбу Болтик бўйи давлатларининг Европа Иттифоқи ва НАТОга интеграцияси масалалари билан бир қаторда Россия билан муносабатлар ҳам муҳокама этилди.

• Шу якшанба кунни Венгрияда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

• Покистон Бош вазир Навоз Шариф Ташқи ишлар вазирлиги Гаваҳр Аюб Хон истеъфосини қабул қилди. Аммо мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари истеъфосининг сабаблари ҳозирча ошкор этилгани йўқ. Гаваҳр Аюб Хон бу лавозимда 1997 йил февраль ойидан бери ишлаётган эди.

• Аҳдлашуларга мувофиқ Ироқ билан Эрон ўртасида 1980-1988 йилларда бўлиб ўтган урушда ўзаро асир олинган ҳарбийларни алмаштириш давом этмоқда. Яқинда Эрон 5584 ироқлик асирни ватанига қайтарган бўлса, Ироқ ҳам 320 нафар асирни Эронга қайтарди. Лекин ҳали айрим маълумотларга қараганда Ироқ қамқоналарига 15-20 минг эронлик, Эрон турмаларида эса 25 минг нафар ироқлик ҳарбий асирлар сақланаётган экан.

• Бугун АҚШда турли йўналишлар бўйича парвоз қилётган 152 та «Боинг-737» самолётлари ҳар тарафлама пухта текшириб чиқилди. Бу сўнгги йиллар давомида ушбу русумдаги самолётларнинг бир неча бор ҳалокатга учраганили сабабли қилинмоқда. Кунни кеча Лотин Америкасида ноқулай об-ҳаво шарoитида 86 нафар одам бўлган «Боинг-737» самолёти ерга қулаб тушди. Бахтли тасодиф туфайлигина ундаги 13 киши омон қолди.

• 10 майда АҚШда Аналар кунни умуммиллий байрами нишонланади. АҚШда Аналар кунни умуммиллий байрами ҳам мавжуд.

• Германиядаги «Даймлер Бенц» компаниясининг АҚШнинг «Крайслер» компанияси билан қўшилиши натижасида жаҳонда энг йирик автомобил корпорацияси вуқудга келмоқда.

• Жакартада студентларнинг ёнлиги нархи оширилишига қарши галаёплари давом этмоқда. Кеча Индонезия пойтахти қўчаларига чиққан 15 минг нафарга яқин студентлар Президент Суҳартонинг истеъфосига қўчилишни талаб этидилар. Жанубий-Шарқий Осиёдаги сўнгги молиявий танглик оқибатида энг жиддий зарар кўрган Индонезия Халқаро валюта фондининг тавсиясига биноан мамлакатда ёнлиги нархини сезиларли даражада оширилишига мажбур бўлган эди.

• Италия жаҳонда мисли қўрилмаган сув тошқини оқибатида ҳозирнинг ўзидики 50 киши ҳалок бўлди, 70 киши бедарак йўқолди деб ҳисобланмоқда.

• Марказий Мексика урмонларида рўй берган ёнғин пайтида 19 нафар ўт ўчирувчи тириклайин ёниб кетди. Бунга қўчили шамол сабабли ёнғин ўз йўналишини ўзгартириб, ўт ўчирувчиларни ўз домига олганлиги сабаб бўлди.

ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА

ЭРТАГА

«Пахтакор» теннис кортида иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанин 53 йиллигига бағишланган жамоалар ўртасида пойтахт ўсмирлар мусобақаси бошланади.

Унда шахримизнинг 12 та теннис клубларида ушбу спорт сирларини турғанаётган 80-83 йилларда туғилган ҳамда 84-йилда туғилган ва ундан беш ўсмирлар ўзаро беллашади.

Беллашулар якка ва жуфтликларда қиллар ва ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтади. Ҳафта давомида шан-

ба, якшанба кўнлари давом этадиган мусобақа қилиблар 24 майда аниқланади. Ўсмирлар спортда жамоа руҳини ривожлантириш, Дэвис Кубогига юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган теннис усталарини тарбиялаш хайрли мақсадларини қўлаб ташкил этилган мазкур мусобақа Республика теннис ривожлантириши қўлаб-қувватлаш жағрамаси Тошкент шаҳар бўлинимаси ташаббусининг мевадир. Мусобақанинг бош хомийси — «Кока-кола» ичимлиги Тошкент ЛТД қўшма корхонасидир.

Марат УСМОНОВ.

ЭЪЗОЗ

ЭРТАГА

маҳаллада Галаба кунига бағишлаб ўтказилган тадбирга ҳам пухта тайёргарлик қилинди.

— Уруш фахрийлари бизнинг фахримиз, уларни ҳар қанча эъзозласак арзийди, — дейди маҳалла оқсоқоли Ашур Нормуродов. — Маҳалламиз ахли Санобар Султонова, Иван Копелев, Воҳид Исмоилов, Махид Абдурахмонов сингари урушда жасорат кўрсатган ҳаммаҳаллалари билан фахрланишадимиз. Уларнинг ҳаммаси эртага ўтказилаётган тадбир тўғрисида ўтиришадимиз.

Шухрат НУРМАТОВ.

Собир Раҳимов туманидаги «Галаба» маҳалласи 2-Қорақамиш даҳасининг 4-мавзесидаги кўп қаватли 34 та уй негизидида ташкил этилган бўлиб, бу ерда турли шодиёналар ҳар доим уюшқоқлик билан нишонланади. Жумладан,

Бу тадбирга қўшни «Обод», «Табассум», «Пахта», «Умид» маҳаллаларидан меҳмонлар ва уруш фахрийлари, туман ҳокимлиги ва туман муҳофа а ишлари бўлими вакиллари, 234-, 242-мактаб ўқувчилари келишадимиз. Бу ерда шу мактаб ўқувчиларига тантанали равишда Ўзбекистон фуқароси паспортлари топирилади. Уруш қатнашчиларининг ҳаммаларига ва келган меҳмонларга қимматли совға-саломлар улашилади. Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабалари ўзларининг концерт дастурларини намойиш этишадимиз.

Саид БОТИРОВ.

МУРУВВАТ

САҲОВАТЛИ «ДИПЛОМ»

Шаҳримизда иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галаба байрами муносабати билан турли-туман халқлар ва саҳоват тадбирлари ўтказилмоқда, фахрийлар ҳолидан хабар олинмоқда, уларга баҳоли қудрат кўмак қўрсатилмоқда. Бу ишда давлат корхоналари, ҳусусий фирмалар ўзларининг бергаз ёрдамлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

КЕЧА

дан бошлаб «Диплом АО» ҳусусий фирмаси ҳам хайрия тадбирини бошлади — ўзига қарашли бўлган шахримиздаги 50 та сартарошхона уч кун давомида таъриф буюрадиган барча иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, 1, 2, 3-группа ногиронларига бепул хизмат кўрсатмоқда.

— Мана, иккинчи йилдики, ушбу хайрия тадбирини амалга оширяпмиз, — дейди «Диплом АО» ҳусусий фирмасининг директори О. Абдурахмонов. — Мақсадимиз иккинчи жаҳон уруши жангқўрлариди қон кечиб, ҳозирда қариллик гаштини сураётган отахонларимиз кўнглиларини озгина бўлса-да кўтариш, улар дилларига илқилик бахш этиш.

«Диплом»нинг саҳоватидан отахонлар беҳад мамнун.

Даврон ИСАЕВ.

• (Галаба кунни байрамга бағишланган махсус саҳифа материалларини газетанинг 2-бетидида ўқийсиз).

Одил ҲАКИМОВ.

АВПОДЛАР УЧРАШУВИ

Мирзо Улугбек тумани ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимида Галаба байрами муносабати билан шу ерда меҳнат қилиб нафақага чиққан фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги вакиллари, фахрийлар ҳамда жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар бўлим томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар тўғрисида тўхталиб, аънавий тус олиб бораётган бундай учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти катталигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.



— Собик ҳодимларни бир жойга йиғиб, улар билан ҳамфироқ бўлиш янги келган ёшларимизнинг бу соҳага бўлган қизиқишлари, таҳрибаларининг ортишига кўмаклашадимиз, — деди бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги Абдураззоқ Маҳаммад-жонов. — Фахрийларимизнинг кўнглиларини кўтариб, уларнинг ҳолидан хабар олиш олдимида турган энг масъулиятли вазифалардандир. Шу сабабдан ҳам бугун улар билан бир пиёла чой баҳона учрашиб, дийдорлашиб турибмиз.

КЕЧА

«Динамо» теннис кортида кўп сонли теннис мусобақаси ўтказилди. «Хавас» мусобақасининг саралаш беллашувлари бошланди.

Унда вилоятлар ҳокимлари ва ҳоким ўринбосарлари, вазирликлар, акционерлик қўшма молиялари, уюшмалар, қончилар, кўмиталар, жағрамалар раҳбарлари саккизта гуруҳда жуфтликларда ўзаро куч синашдилар.

Биринчи гуруҳда учта ўйинда барча рақибларини 6/0 ҳисобида енгган Ф. Турсунов ва М. Усмонов (Наманган), иккинчи гуруҳда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимов ва шу банк бош мутахассиси Ш. Толипов, учинчи гуруҳда Р. Султонов (республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги биринчи ўринбосари) — А. Қосимов (Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бўшқармаси бошлиғининг ўринбосари), тўртинчи гуруҳда Ш. Нишонов («Ўзқилиққўжалик-таъминоттаъмир» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари) — М. Адашев («Наманган-нағромаш» заводи директо-



ри), бошинчи гуруҳда Ш. Каримов (республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги) — З. Рискиев (ушбу вазирлик ҳодими), олтинчи гуруҳда В. Отаев (республика Энергетика ва электрлаштириш ва-

зири) — Х. Икромов («Ўзбек-гидроэнергетика» ҳуқуқшуноси), еттинчи гуруҳда А. Носиров (Самарқанд шаҳри ҳокими) — Г. Соғитов, нияҳт охири гуруҳда барча рақибларини енгган Х. Аб-


дураимов («Қамолот» жағрамаси раиси) — С. Сағатов («Қамолот-спортсервис» бош директори)лар ғолиб чиқиб финал беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

БУГУН

ТУРНИРНИНГ ТАНТАВАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ ЎТКАЗИЛГАНДА СЎНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ТЕНИСЧИЛАР УЧУН ҚУРЪА ТАШЛАНДИ.

Дилмурод ИСМОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: «Хавас» турнири беллашувида навлалар. Рашид Галиев олган суратлар.

Марат УСМОНОВ.



Бизнинг 4-Украина фронти 42-танк бригадаси (командир полковник Гаев) Полышанинг Водовице, Оломсц, Моравское Острова, Фриштадт, Санок ва Ясеница шаҳарларини озод этишда қатнашди. Айниқса, Ясеница шаҳрида қуршовга тушиб қолган пайтдаги жанглар жуда аёвсиз бўлди. Катта қурбонлар билан куршовини ёриб чиққан кунимизнинг эртасигаёқ Магеллану шахрини озод қилиш учун отландик. Вазифа душман қўшинининг катта қисmini ўраб олиб, яқсон қилишдан иборат эди.

Танкчилар ҳужумни жа-

нуб томондан бошладик. Мен биринчи етакчи бўлиб шаҳар ичига кириб бориш топиригини олдим. Катъий режа бўйича танклар ораллиги белгиланиб, қайси йўл билан қандай паналаниб ўтиш, бир-биримиз билан узлуксиз алоқада бўлиш ҳақида ке-

жойлашган ерларига тўпдан кетма-кет ўқ узиб, илгари борардик.

Буйруқ бўйича гарб томонга силжиб, орқада келаётган пиёдаларга йўл очишимиз зарур эди. Улар биздан ажралиб қолган, танклар орқасида югуриб, етишиб ололмас-

ри билан қаёққадир қочаётгани кўзимга гира-шира кўриняпти. Устимда чарм куртка, бош-ялангман. Уларнинг ўртасидан ўтиб кетяпман.

Қанча юрдим билмайман. Бизникилар кўринди. Қарасам бир танк тутаяпти. «Пишиков, Пи-

тилд. Уша томонга қараб чопдик. Лекин улгуролмадик, бу танк ҳам портлаб кетди.

Яна Пишиков ёнига қайтиб келганимизда дахшатли воқеага дуч келдик. Бу ерда қўл жанги бошланиб кетиб, найза, пичок, қўндоқ ҳам ишга солинаётганди. Афсус, Пишиковнинг ҳаётини сақлаб қололмадик. Уни ҳалок қилган немисни эса бизнинг аскаримиз найза билан санчиб тинчитган экан.

Магеллану шаҳарчасида 4- ва 1-Украина фронти жангчилари қамални ёриб ўтиб, бирлашдилар. Ўртада қолган немис-фашист қисмлари тор-мор келтирилди.

Мен командир бўлган танк экипажидан икки киши тирик қолгандик. Тўп ўқловчи сержант Рябцев билан госпиталда анчагина ётиб даволандик.

Уша пайтдаги жанг воқеалари гўё хотирамга михлангандек ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан нари кетмайди. Бир умрга ҳам унутолмасам керак.

Раҳимжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
1-гурӯх уруш ноғирони,
кекса журналист.

УНУТИЛМАС КУНЛАР

лишиб олгандик.

Катта тезликда шаҳар ичига кириб борапмиз. Душман тўпи ўқлари ёни-мадага тушиб ёриляпти. Панорама кўзгусида кўриб турибман, шунга қараб ҳайдовчига қаёққа юриш ҳақида буйруқ берапман.

Шаҳарга кириб борганимизда беҳосдан пайдо бўлган танкни кўрган немислар, айниқса, маст-аласт, уйкусираганлар биз томонга қилиб келмоқда эдилар. Танк устидаги десантчи аскарларимиз ўқ-ка туттиларди. Шаҳарга кириб, душмanning зич-

ди. Бир қақирим юрганимиздан сўнг, қутилмаган воқеа-юз берди. Танк қаттиқ силкиниб, тутай бошлады. Люкдан қарасам орқа томон, яъни транс-миссия қисми ёнапти.

— Қочинглар! — дея бақириб юқорига кўтарилишимни биламан, танк гўмбурлаб кетди. Ўн метрлар чамаси буталар орасига, қалин қор устига отилиб тушди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман — ҳўшимга келсам, худди туш кўраётгандайман. Қулоғим том битган. Қандайдир одамларнинг от-аравала-

шиков!» деган овозни эшитдим. «Ахир, у ҳарбий билим юртида бизнинг старшинамиз — отахонимиз бўлган эдик. Шунинг танки экан-да!» Қандай қилиб тутаятган танк ичига кириб қолганимни билмайман. Пишиков тутунда гандирақлаб ўзини тутолмай турганда қўлидан маҳкам тутиб, ташқарига тортидим. Кимдир менга ёрдамлашди. Ўн қадамча нари кетдикми-йўқми танк портлаб кетди.

Биз Пишиковни нарироққа олиб бориб ётқизиб қўйдик. «Полк командирини ёнапти» деган овоз эши-

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 23 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва тарбия ишларини тақомиллаштириш бўйича тадбирлар ҳақида»ги қарорига мувофиқ Юнусобод туман мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғи, полковник Сирожидин Холлиқназаров бошчилигидаги бир гурӯх ота-оналар Қашқадарё вилоятидаги аскарларнинг ҳаёти, яшаш шароитлари, тартиб-интизом билан таълимиш мақсадида келдилар.

Таълимув одатдагидек аскарлар ётоқхоналаридан бошланди. Шуниси эътиборга молики, бу ерда Ватанимиз посбондариға яратилган шарт-шароитларни кўриб кўзингиз қувнайки.

Бўлиномада спортга катта эътиборга қаратилаётганини аскарларнинг чиройли қоматию бўлиқ мушакларидан ҳам билса бўлади. Волейбол, баскетбол ва футбол майдонлари шанба, якшанба кунлари аскар, сержант ва зобитлар хизматида. Биз шу кунни ўйингоҳда жуда қизиқарли футбол беллашуви ўтказиляётганининг устидан чиқдик.

— Ҳар йили зобитлар жамоалари ва аскарлар ўртасида биринчилик ва Кубок баҳслари ўтказилиб турилади, — деди беллашувни томоша қилиб ўтирган аскар, Шайхонтохур туманидан хизматга қақирилган Саидхамид Насриддинхўжаев.

Ворислар

ТОШКЕНТЛИК АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

— Спорт билан шуғулланиш, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, бўш пайтларимиздан кўнглили фойдаланиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бўш пайтларимизда стадионда футбол ўйнаймиз. Ҳар шанба, якшанба кунлари миллий фильмлар кўрсатилиб турилади, тез-тез шаҳарга чиқиб турамыз, имтиёзли нархларда уйимизга кўнғироқ қилиб турамыз.

Жанговар сафда аскарларнинг шахдам қадам ташлаб миллий саф қўшиқларимизни куйлаб ўтишлари айниқса кишига олам-олам завқ-шавқ бағишлайди:

Ташлаб дадил мардона қадам,

Биз майдондан ўтамыз шахдам.

Еру само келар ларзага,

Қўшигимизга жўр овоз, ҳамдам.

Бизлар Темур авлодларимиз,

Озод юртнинг Фарҳодларимиз.

Ўзбекистон аскарларимиз,

Ёш, навқирон лашкарларимиз.

Ҳамшаҳарларимизнинг қандай хизмат қилишати, улар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, зобит Мухтор Боймирзаевдан илтимос қилдик:

— Хизмат қилаётган аскарларнинг деярли 30 фоизини тошкентлик йигитлар ташкил этади. — Улар ҳар хил касблар бўйича ўз хизматларини яхши ўташмоқда ва ўйлашмики ота-оналари ҳузурига ёруғ юз билан боришади. Аскарларимиз бўш вақтларида ётоқхоналарда стол тенниси, кураш билан шуғулланишади. Беш мингга яқин ўзбек ва рус тилидаги китоблар жамланган кутубхонадан аскарлар кенг фойдаланишади. Клубимизда мусиқа тўғраги бор. Энди рассомлик тўғрақларини очмоқчимиз.

Шу кунни аскар йигитлар ота-оналари билан шаҳарни айланиб, мириқиб дам олиб келишди. Кечки томон эса Тошкентдан олиб борилган ма-саллиқлардан аскарларга мазали тўй палови дамланди. Аскарларга совға учун ажратилган «ДЭУ» телевизорли топирилди. Маданий хизмат кўрсатиш учун ташриф буюрган маданият ишлари бўлимининг ижодий гурӯҳи, А. Қодирий номидаги маданият уйи қошидаги «Ораз» дастаси ижросидаги қўшиқ ва рақслар гулдастасига аскари йигит ва зобитлар шўх ўйинларга тушиб тоза яйрашди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



Жангчи шоирлар ижодидан



Таникли шоир Назармат уруш жанггоҳларида жон олиб жон берган ижодкорлардан бири. У бир кўнлада қалам, бир кўнлада қурол тутиб, озодалик учун курашган. Жангчи шоирнинг ижодиди уруш мавзуси алоҳида ўрин тутди. «Яшил дала», «Най навоси», «Юракдаги ўқ», «Гул ва гулхан» сингари 20 дан ортиқ китоблари босилиб чиққан шоир ҳали ҳам илҳом билан ижод қилимоқда. 80 йиллигини қутиб олган шоирга, ижодий ютуқлар тилаймиз ва Галаба байрами билан кутлаймиз.



ДҲСЛАР БИЛАН

Файзли эрур, эй азизлар, давру даврон дўстлар билан,
Киши тоғгай кўрку камол чин қадрдон дўстлар билан.
Элни элга, дўстни дўста, элтар ихлос, меҳр, оқибат,
Асли яшаб, обод бўлур бу кенг ҳаёт дўстлар билан.

Киши юрса йўли кўпдир, дилда бўлса пок нияти,
Чўл бўлса ҳам борган ери, бўлур бўстон дўстлар билан.
Лекин бордир шундайлар ҳам баҳорингда бўлур эрур,
Бўрон келса четлаб турмас у ёнма-ён дўстлар билан.

Бу дунёда ҳар инсоннинг бор насиба, ризқу-рўзи,
Яхшиларнинг ҳуш суҳбати дилга дармон дўстлар билан.
Айри бўлмас ҳеч бир киши суйган ёру дийридан,
Яшар инсон бу дунёда, меҳру иймон, дўстлар билан.

Куйла Назар дўстлик қадрин ундан олий не бор сенга,
Масрур эрур юрган йўлинг чин қадрдон дўстлар билан.

ҚЎШНИМ

Гўзал қўшним тожик қизи қоши, кўзи, зулфи сиё,
Ҳар тонг чоғи ишга ўтар, аста қоқиб менга қиё.

Кўзим тушса ибод билан, ифбат билан салом айтар,
Қўришай деб дейман унга яқин келгин наздик биё.

Шу сўзимдан шўх жилмайиб, таъзим айлаб, шошиб ишга,
Йулин тезлаб, мен томонга боқар яна бир бор қиё.

Тилим сўйлар, дилим куйлар, бошда ўйлар, кўзим йўлда
Шуру шакар сўз айтаман, дейман гўзал, шўхи барно.

Бир дарахтнинг остида биз бир томирдай улғайганимиз,
Қайтар қачон ишдан дейман қоши, кўзи, зулфи сиё.

Гўзал қўшним тожик қизи дилим олдин, этма жафо,
Бу дунёда муҳаббатдан не бор буюқ, айт, дилрабо?

Бир шодланиб, бир талпиниб борғум мен ҳам у гул томон,
Юрт ишида биз ҳам бирга, севида ҳам бир доимо.

НАЗАРМАТ.

ЯҲЛИМНИ БИЛИБ БИЛДИМ

Дўстлар, барча ниятга йўлимни билиб олдим,
Емонлик қилганларга яхшилик қилиб олдим.

Кўролмаслик, ғийбатдан узок тутдим ўзимни,
Биров ҳақин юлмадим, инсофга келиб олдим.

Ҳақиқий инсонлиқни ҳикматлардан ўрганиб,
Олим, донолар билан ҳамсуҳбат бўлиб олдим.

Пахтазорда тер тўқдим, далада меҳнат қилдим,
Бара ниятга, Тўра, югуриб-олиб олдим.

ФАРОВОН ШУРМАШНИНГ БОР

Дано билан ўтирсанг, чўл гулистон қабиридир,
Тикан ўсган даладар гулзор, бўстон қабиридир.

«Дано билан суҳбат қур» деган гап бежиз эмас,
Кичкина ҳикояси катта дoston қабиридир.

Нодон билан ўтирсанг, гулзор саҳрога ўхшар,
Булутсиз, ёруғ кундуз тун, эминистон қабиридир.

Фаровон турмушинг бор, кўрнамак бўлма Тўра,
Ватан бори осойиш Ўзбекистон қаби бир!

Тўра ЖУМАН.

РУҲБИЛАР

Тогдан кўзим узам,
Жамолни тенгсиз,
Ватан ҳаловати, қамолни тенгсиз.
Ўғиллар эр етган,

қизлар буй етган,
Онаси ўзингсан, яшолман сенсиз.

Иймон дилда бўлган,
қўшларда эмас,
Меҳр кўзда бўлган,
сўшларда эмас.

Иймонли одамнинг чеҳраси илиқ,
Сўшлари шохона, юракка пайваст.

Яшашни истасанг
онглари шимар,
Белингни маҳкамроқ чулғасин
камар.

Ўшанда манглайдан дурлар
тўқилгай,
Қопларни тўқидириб
меҳнатдан самар.

Кексани қўлтиқдан
тутсанг яхшироқ,
Аюқман тўрида қутсанг яхшироқ,
Ахлоқу одоғга бахшида бўлсанг,
Ешларнинг йўлида сен
ёган чироқ.

Шайтонга ҳай бергин,
газабингни бос,
Давронлар шитобини,
буниси ҳам рост.

Бизнинг асабларга яна бир синов,
Ўпончи даврдан тўққидир, холос.

АБДУЛГАФФОР
УБАЙДУЛЛА

«Умрлар бўладики...» деб ёзган эди атоқли шоир Максуд Шайхзода. Биров чакмакдаги кўшини ҳам гоҳ билиб, гоҳ билмайди. 82 ёшини нишонлаган Турсунпўлат Пирматовни маҳалласида ҳамма билади. Хурмат, иззат қилади. Ихлос билан дуосини олганлар қанча!

— Мен 1941 йил 14 апрелда Низомий номидаги Давлат ўқитувчилар тайёрлов институти (ҳозирги педагогика университети) 2-курсидан ҳарбий хизматга чақирилдим, — деб ҳикоя қилади отахон, — касби ўқитувчи бўлгани учун шу институтга кирган эдим. Аввалроқ, яъни 1936—1939 йилларда Тошкент педагогика ишчи факультетида ўқиганман. Умумий чала саводлиқни тугатиш учун бўлган оммавий юришда иштирок этганман. 1939 йилда шўролар давридаги биринчи аҳолини рўйхатга олиш компаниясида фаол қатнашганман.

— Ҳарбийга чақирилганимизни айтувдигиз, — лўкма ташладим.

— Ҳа-а... Ҳарбий хизматни Луганск шаҳрида полк мактабиди ўқиш бўлди, деб тураманми, — Турсунпўлат ота хўрсинди. — Учинчи Белоруссия фронтида Орша, Курск, Орёл, Витебск, Борисов, Минск шаҳарларини озод қилишдаги жангларда қатнашдим.


Ота жим қолди. Ким билсин Камск қишлоғи учун бўлган шиддатли жанглар кўз ўнгиди жонландими...

Ҳўжум беҳосдан, тоғ саҳарда бошланди. Самолётлар ёғдирган бомбалар худди дўлдек ерга тушар, ҳаммаёқни кўпориб ташлар эди.

— Турсун, ё! — деган овозни эшитди. Турсунпўлат. Ҳўшига келиб кўзини очса оғзи тўла қон. Боши маҳкам боғланган. Ҳеч нарсаси эшитмади. Тўртта-ми, бешта тиши йўқ.

— Сизни тўпроқ остидан тортиб олдиқ, — деди ҳамшира қиз. — Кўмилиб кетган экансиз... — Узок даволандим. Госпиталь бошлиғи жа-

УМР ҲИКОЯСИ



нга кирасизми яна, деб сўради. Йўқ, бизники бўлди, деб тураманми, — Турсунпўлат ота хўрсинди. — Учинчи Бело-

руссия фронтида Орша, Курск, Орёл, Витебск, Борисов, Минск шаҳарларини озод қилишдаги жангларда қатнашдим.

Мен ўз кўзим билан кўрганни айтмай: бири Минск шаҳрида, иккинчиси Шаркий Пруссиянинг Хайлберг шаҳрида.

Ашаддий ёвуз фашистлар, эвакуация қилиб улгурмаган касалхона (госпитал)да ётган ўз аскарлари устидан ҳам бензин қуйиб ёқиб кетишганди. Оловдан қочиб, жон сақлайман деб ташқарига эмаклаб чиққан жизгинак одамлар ҳали-ҳали кўз олдимдан ўтади...

Биз Минскдан улоқтириб ташланган фашист босқинчиларини 4 кун тўхтовсиз, 117 километрча қувиб бордик... Бу шиддатли жангларда тузукроқ аган-ичганимизни, бирор ерда дам олганимизни эслолмайман. Босиб ўтган катта масофа — йўлимизда душмanning та-нклари, тўплари, машиналари, от-арава, бори-нги, жаъми уруш техникаси анжомлари йўл ёқаларида, бугдойзорларда мажақланиб, тўлиб-тошиб ётарди...

Биз Польша чегарасининг бошланишида дам олиш, янги позицияни белгилаш учун тўхтаганимизда, бутун баталиён таркибидан: командир, алоқачи, ошпаз, сарта-рош, старшина, рота командири, лейтенант Литинский ҳамда ўз хоҳиши билан аскар бўлган деб йўлда қўшилган 16 ёшли беларус бола, мен билан атиги 8 киши қолган эдик...

Шунақа, бу бош не кунларни кўрмади. Беш йиллик жанг жадалда 4 марта жароҳат олдим. Битта ўқ оёғимда ҳали ҳам мен билан бирга. Галабани Литваннинг Каунас шаҳридаги госпиталда қўлтиқаёқда қутиб олдим.

— Урушнинг оти қурсин, — чуқур нафас олди ота, — энди елкамизга офтоб теғди. Шундай бахтли кунларга етказганига минг бора шўрк.

Турсунпўлат ота Пирматов пирү бадавлат ҳамшаҳарларимиздан бири. Бугун унинг хонадонига барча ҳам. Улар отанинг жанговар ҳаётини яна бир бор тинглаб, яна бир бора халоскор падали бузрукворларига фарзандлик меҳру муҳаббати изҳор этиш учун йиғилганлар.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Фахрийларимиз

рида жанг қилди. Ҳатто у Берлинга бориб галабани ўша жойда нишонлади.

Собиқ жангчи билан суҳбатлашар эканмиз, ҳали унинг юрагида ўша оловли йиллар манзараси асло ўчмаганлигини яна бир бор ҳис қилдик. Уруш унинг фақат қалби-

дан ўтган киши учун эса бу қийинчиликлар у қадар мушкул бўлмади. Ушбу муассасада ишлаш унинг ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган давр бўлди.

Собиқ жангчининг таклифи билан биринчи марта ахлоқ тузатиш муассасасида мактаб ташкил этилди. Чунки Рашид ота ахлоқ тузатиш муассасаси ўз номи билан қайта тарбиялаш ўчоғи ҳисобланишини жуда яхши тушунарди.

Ички хизмат подполковниги Рашид ота Қайюмов истеъфога чиққандан кейин Тошкентдаги 106-мактаб-интернатга, сўнгра мусиқа мактаб-интернатига раҳбарлик қилди. Бугун қарилик гаштини сураётган отахон бутун умрини маърифий ишларга бахшида этди. Аланга билан нур бир-бири билан қанчалик уйғунлашган бўлса, ҳаёт билан фаолият ҳам бир-бирига шу қадар мустаҳкамланиб кетган бўлади. Буни эса Рашид ота Қайюмов ҳаёти мисолида яққол кўриш мумкин.

Тиниб-тинчимас отахон бугунги кунда Юнусобод туманидаги «Оқибат» маҳалла кўмита аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда. У жамоат ишларида фаол иштирок этиб, мактабларда, маҳаллаларда ёшлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туради.

«Ҳаёт ўтган кунлар эмас, балки эсда қоладиган кунларингдан иборатдир», деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, Рашид отанинг ҳаёт йўли бу кари эсда қоларли, ибратомуз хотиралар билан йўғрилгандир.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Кўркмас Соатов 11—12 ёшдаги болалар катори хореография билим юртига танила олди. Танлов ўта қаттиқ ва синчковлик билан ўтказилди, олдин 30 та, улардан яна саралаб 6 та бола ўқишга қабул қилинди. Булар Иброҳим Юсупов, Ровдод Соликов, Волода Носиров, Альберт Ишматов ва Кўркмас Соатов эдилар.

Уша вақтларда, театр ҳақида эшитмаган, кўрмаган, балет нима, рақослик касби нима деган саволлардан бу болалар жуда йироқ эдилар. Уша давлардан бошлаб уларнинг тақдирини санъатнинг энг нозик, гўзал ва олижаноб тури билан боғланди.

— 1953 йиллар 20-йилдорли болалар уйида тарбияланар эдик, — деб эслайди Кўркмас Соатов, — бу ерда, муассир, муассирча ва хореография бўлимларида ўқитган ўқувчилар доимо бир-биримиз билан мулоқотда бўлиб, концертлар, учрашувлар ва турли тадбирларни бирга ўтказар эдик. Хореография билим юрти хозирги консерватория биносининг иккинчи қаватида жойлашган бўлиб, машғулотларга бизни автобусларда олиб келишар эди. Мумтоз рақслар синфидан устозларин Лев Засс, Зинаида Афанасьева, ўзбек миллий рақсларидан Мухаррама Турғунбоева, Розия Каримовалар рақс сирларини ўргатибгина қолмай, бизни ҳам ота, ҳам она бўлиб меҳр билан тарбиялашар, тақдиримизга қайғуришиб тўғри йўл-йўриқ кўрсатишар, ўйинқаролик орқасида ўқишга сусткашлик қилсак қойиб, танбех бери-

шар эди. Ҳар бир ўқувчининг қобилиятини ривожлантириб, алоҳида иқтидорини очишда ўзлари ҳам тинмай меҳнат қилиб, бизни ҳам шундай доимий меҳнатга, изланишга, келажакка умид билан қарашга ўргатар эдилар. Миллий рақс сирларини ўргатаётганимизда Уста Олим Комиллов доирада жўр бўлар эдилар. Мен устозларимнинг меҳнатларини жуда қадрлайман, уларнинг ишончларини, меҳнатларини доимо ўз ижодий фао-

1974—78 йиллар театрда бадий раҳбар ва балетмейстер Кўркмас Соатов бошчилигида ёш иқтидорли артистларнинг ижодхонасини ташкил этишиб, янги-янги спектакллари қўйиш бобида, хореография санъати қирраларини, инсоннинг рақс ижросидаги имкониятлар чегарасини янада кенгайтириш бобида изланишлар олиб бордилар.

Бу даврда театр кўпгина давлатларда ўз

куррагининг турли бурчакларида — Франция, Италия, Греция, Бразилия, Бирлашган Араб Амириклариди, Монголияда, Шри Ланка, Швейцария, Австрия, АҚШда ижод қилиб, Тошкент хореография мактабининг шаънини улуғлаб келаяптилар.

— Миллий рақс ва хореография олий мактаби олдида турган мақсад ва вазифалар, муаммо ва режаларимиз ечим ҳақида гапирсак, — деб ҳикоя қилади Кўркмас Соатов, — авваламбор биз ўзбек миллий рақсларимиз мероси, аъналарини ўрганиб, ёзиб, видео ва телефильмларга тушириб, янада янги-янги рақс ҳаракатларини, мукалларини, костюмларини яратишимиз керак. Рақс структураси ва уни ёзиш тизимини илмий асосда олиб бориш услубини яратишимиз зарур.

Режаларимизда яна олий ва ўрта махсус ўқув юрлари учун хореография ва миллий рақслар ҳақида, устоз санъаткорлар ва уларнинг ижодий фаолиятлари ва ижро услубларини ёритишга бағишланган ўқув қўлланмалар, дарсликлар, шунингдек, «Миллий рақс антологияси» монографиясини яратиш вазифалари бор. Умид қиламизки бу ишларда бизга мусавирлар, бас-такорлар, композиторлар, амалиётчилар ёрдам кўрсатадилар. Қирқ йил ижод даври киприк қоқандай ўтиб кетибди. Фаройиб воқеа юз берсаю яна 20 ёшимга қайтсам, яна қайтадан ўз севган мураббийлик касбинини танлаб бўлардим.

Ҳақиқатан ҳам Кўркмас Соатовдек инсонлар ўз санъати ва касбининг фидойиларидир. Шундай инсонлар борлиги учун ҳам гузаллик, нафислик, эзгулик барқарордир.

Сеvara МАЛИКОВА, педагогика фанлари номзоди, доцент, Насиба БАХРИДДИНОВА, доцент.

Санъат

НАФОСАТГА ОШНО ИЖОД

лиятим билан оқлашга, шоғирдларим тақдир ва келажига қатта масъулият билан қарашга ҳаракат қилдим...

Ўқишни муваффақиятли тугатган Кўркмас Соатов билим юртида мумтоз рақс синфи муаллими ҳамда Навоий театрида солист бўлиб ишлаб боради.

Театрнинг барча спектаклларида Қ. Соатов катта маҳорат билан аjoyиб, унутилмас образлар яратди, шу билан бир қаторда педагогик фаолиятини ҳам олиб борди. Саҳнада у янги-янги образлар яратиб, ўз профессионал маҳоратини янада оширишга, ўз касбинини янада мукаммал эгаллашга ҳаракат қилса, педагогик фаолияти ижодкорини доимо изланишга, касбининг янги қирраларини очишга, ўз ижодига танқидий нуқтаи назардан баҳо беришга интилади.

Билим юртини битирган ёш артистлар Навоий театри труппасига улкан дарёга оққан жилга каби, янги оқим, янги куч бўлиб қўшиллар эди.

санъатини намойиш этиб, фестивал ва кўрикларда қатнашиб, шинавандалар олқишига сазовор бўлди.

Таниқли ва истеъдодли балетмейстер сифатида Қ. Соатов турли театр труппаларида спектакллари сахналаштириб Украина, Белоруссия, Эстония, Қорақалпоғистон Республикаларининг дипломлари, ёрликлари ва юқори даражали унвонларига сазовор бўлди.

— Кўркмас Соатов раҳбарлигида олий рақс мактабимиз янада қаддини кўтараяпти, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримова. — Миллий рақс санъатини давлати эъзозлаштириб, қадрлаётган. Олий мактаб очилди. Ўзбек миллий рақс меросини келажак авлодга етказиш, авайлаб-асраш, ривожлантириш, янги қирраларини яратиш бобида илмий тадқиқотлар, фольклор изланишлар олиб бориш имконияти туғилди.

Кўркмас Соатовнинг шоғирдлари ҳозирда таниқли артистлар бўлиб етишдилар. Ер

«Ўзбекистон қўшиқ байрами»

САҲНАДА — ЎҚУВЧИЛАР

Шаҳримиздаги авиасозлар маданият саройида «Ўзбекистон қўшиқ байрами—98» кўрик-танловининг ҳамза туман ўқувчилари бадий жамоалари якунига бағишланган кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 30 дан ошди байрам дастури намойиш этилди. Қўшиқ ва лапарлар

ўзбек ва рус, шунингдек украин, латин тилларида ижро этилди. 161, 152, 204, 307-мактаблар терма хори ижросидаги «Ислом бобо», «Эй Ватан», 282-мактаб рақс-салари ижро этилган (рус болалар) ўзбекча «Шарқча рақс», «Юлдузлар олами», «Болалик», «Бинафша»

рақс ва қўшиқлар, 212-мактаб 11-синф ўқувчиси Н. Сепенкова ижро этган «Алла» қўшиғи ҳамкамлар ҳайати ёззолари ва йиғилганларда катта таассурот қолдириб, танловнинг энг яхши қўшиқлари қаторидан ўрин олди.

Қидирбой Тўлабоев.



Ҳар бир ижодкорнинг ҳаёт йўлида янги-янги довлар бўлади. У шу довларнинг фақат биттасиди яна ўз ижодининг мислсиз даражада юксак чўққисига кўтарилади. Шу кунларда таваллудига 95 йил тўлаётган Фафур Фулом учун шундай довлар, шак-шубҳасиз, уруш давридир.


Тўғри, Фафур Фулом 20-йиллардаёқ даврининг долзарб мавзуларида битилган шеърлари билан эл-юрт оғзига тушган. 30-йиллардаёқ унинг номи хорижий адаблар эътиборини торта бошлаган. Чунки, 1931 йили ўзбек диёрига таширф буюрган француз адаби Поля Вайан-Кутюрёе кирк нафар қаламқаш биродарлари билан ўзбек ёзувчилари ҳузурида меҳмонда бўлганида, Фафур Фулом билан танишиб, уни «ажойиб очеркнавис ва ҳикоянавис» сифатида қашф этган. Аммо том маънодаги халқаро шухрат Фафур Фуломга унинг уруш йилларидаги шеърлари учун келган.

Иккинчи жаҳон уруши, кўпчилик қатори, шоир оиласи учун ҳам таҳликали келди. Фафур Фулом урушнинг дастлабки кунларидаёқ ўз фарзандидек кўргани Жўраҳонни фронтга кузатди. Унинг шу давр лирикаси эса мазкур воқеага бағишланган «Кузатиш» шеъри билан бошланди. Кўп ўтмай, унинг фарзандини, ўзбек халқининг минглаб ўғлонларини уруш майдонларига олиб борган вагонлар у ерлардан уруш туйғайли етим қолган гўдакларни ўзбек тўпроғига олиб кела бошлади. Иккинчи жаҳон урушига бағишланган қомусда айтилишича, 1942 йилнинг баҳорига қадар Ўзбекистонга 716 минг киши кўчириб келтирилган, шулардан катта бир қисми уруш етимларидир.

Ўзи етимлик азобини бошидан кечирган ва Тошкент вокзалидаги дахшати манзараларни ўз кўзи билан кўрган Фафур Фулом эса уруш даври ўзбек шеърятининг байроғи бўлган «Сен етим эмассан» шеърини яратди.

1941 йилнинг 7 декабрида битилган бу шеър «Қизил Ўзбекистон» га-

зетасининг 1942 йил 1 февраль сониде босилди. Уша йилнинг 27 апрелида эса тошкентлик шоира Светлана Сомова таржимасида собиқ шўро салтанатининг бош газетасида нашр этилди. Шу тарзда «Сен етим эмассан, тинчлан жигарим» сатрлари билан бошланган ва ўзбекнинг қайноқ бағридаги тафтини ўзига симирган шеър уруш майдонларига қадар етиб борди.



Фафур Фуломнинг 95 йиллигига

УФҚ МЕҲРОБИДА ЎЧМАГАН ШАМДЕК...

Фафур Фуломнинг уруш даврида яратган шеърларини ўқир эканмиз, улкан қалбдан отилиб чиққан меҳр ва муруват, душманга нафрат, галабага ишонч туйғулари билан балқиб турганини кўра-миз.

Шоир таниш-нотаниш кишилар қалбиде умид чироғини ёқаётган кезларда ўзининг ҳам дилпораси урушда эди. Ундан ҳам дом-дарак йўқ эди. Аммо шунга қарамай, у шахсий қайғу-аламларини ичига ютиб, халқ дарди билан яшади, шу халқнинг ташвишини енгиллаштириш, унинг галабага бўлган ишончини мустаҳкамлаш йўлида ижод қилди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир шеъри кўп тилли китобхоналар қалбига ўзгача бир ҳарорат бағишлаб, шеърятимизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада тезлаштирди.

Фафур Фулом ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб 1942 йил февралда халқимизнинг совға-салом билан Москва остоналарида жанг қилаётган жангчилар ҳузурига борган. У ўша йилнинг 4 мартда рафикасига ёзган хатида: «Мен ўша кунни учиб, ўн бир соатдан сўнг омон-эсон Москвага келиб қўндим... Бизнинг совға-салом орт-

Шоир гувоҳи бўлган уруш манзаралари унинг икки шеърида ўз аксини топган. Буларнинг бири «Талон-тороқ қилинган ерда» деб аталган бўлиб, дахшатли воқеалар таъсирида ёзилган бу шеър сайқалланмай қолган. Чамаси, Москва атрофидаги урушнинг қонли жараҳатларини: «Бу ернинг водийси, ўрмон, тепаси, Қонли шабнамларга қалғи ётади. Бу ердан ҳар дамда чўғи кўтариб, Мудҳиш шарпа — ўлимнинг ўзи ўтади», дея тасвирлар экан, шоир қалбини қуршаган дард ва фигон унга шеърини шу тарзда давом эттириш имконини бермаган. У жароҳатли қалб эгаси бўлгани учун ҳам кўпроқ баландпарвоз шеърлар ёзган кўринади. Фронтда битилган «Салом ва табрик» шеъри эса Фарбий фронтнинг «Н» дивизияси жангчилари билан учрашув пайтида ўқиб берилган.

Уруш ва унинг қонли оқибатларини ўз кўзи билан кўрган, қанчадан-қанча азамат йигитларнинг Москва бўсағаларида қон тиллаганига шахсан гувоҳ бўлган шоир энди Жўраҳоннинг бедарак кетганидан катта ташвишга тушади. Шунинг учун ҳам «Соғиниш» шеърида «Кузатиш»дагидек даъваткор

рух эмас, фарзанди тақдир билан куйинган, ҳатто унинг тирик эканига шубҳа қилган, шу сабабдан теран инсоний кечинмалар билан тўйинган қалб жароҳатини очиб ташлайди. Аммо айна пайтда яна кўз ёшларини яшириб, шеърини умид туйғулари билан китобхонага, ўзига тақдирдош бўлган халққа далда берувчи сўзлар билан тугатади.

«Сен етим эмассан», «Киш», «Соғиниш», «Хотин», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак», «Ғолиблар байрами» сингари кўркам шеърлар билан янги ижодий юксакликка кўтарилган Фафур Фуломнинг уруш даври шеърятини бамисоли тилла узук бўлса, уруш тугаши билан ёзилган машҳур «Вақт» шеъри бу узукнинг ёқут кўзи бўлди. Агар ушбу шеърлар шодасининг биринчи дурдида шоир меҳрибон ота ўлароқ намоён бўлса, сўнгисиде аччиқ ҳаёт йўлини босиб ўтган, оқ-қорани кўравериб, фикр дарёси теранлашган донишманд файласуф ўлароқ гавдаланди.

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун, Асрлар тақдирини лаҳзаларда ҳал, Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун Қудратли қўл билан қурайлик ҳайкал.

«Вақт» шеърининг бундай пурҳикмат сатрлари бугун мамлакатимизда рўй бераётган улуғвор ўзгаришларни ҳам ўзида ифодаляётгандек туюлади. Бу беҳиз эмас. Зеро, улуг асарлар бағридаги катта фикрда асрлар мобайнида ўлмайдиган, янги-янги замонлар билан янада нурланиб турадиган ҳақиқат яшайди. Фафур Фулом ижодида ҳам шундай ҳақиқатлар ўз тажассумини топган сатрлар оз эмас. Нада сатрлар, балки шеърлар, ҳикоялар, қиссалар, мақолалар ҳам деяверинг. Бугун тўқсон беш ёшли Фафур Фулом ана шундай асарлари билан адабиётимиз меҳробиде шам бўлиб, чакноқ нурларини таратиб турибди.

Наим КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

ФАРМУДА СОМСА

Хамир қаттиқ қилиб, ўткир намақобда қорилида ва эритилган қўй ёғи қўшиб, узок муштлаб пишитилади. Сўнгга хамир қалинлиги 2 мм. қилиб ёйилиб, юпка стақаннинг оғзи билан кесилади ва тўғрак жилдга тайёрланади. Ҳар бир жилдга қийма солиб, кичкина сомсалар тугилади ва тўртта сомсани бир-бирига ёпиштириб пиширилади. Фармуда сомсанинг қиймаси қуйидаги:

Пазандалик

ча тайёрланади: ёғлиқ қўй гўштнинг соми, биқин ва юмшоқ қисмлари олиб тўғралади. Қиймага бир оз чарви ёғи ҳам қўшилади ва пиёз, мурч, туз билан яхшилаб мижиғланади. Тайёр сомсанинг юзига ёғ суртиб, мурч чепилса яна ҳам хушхўр бўлади.

Фармуда сомсанинг хаамири учун 1 кг. ун, 1,5 стакан сув, 4 қошиқ туз, 50 гр. эритилган қўй

ёғи керак бўлади; қиймасига 800 гр. гўшт, 500 гр. пиёз, 200 гр. чарви ёғи, таъбга кўра туз ва зирворлар солинади. Юзига суртмиш учун 2 ош қошиқ ёғ ва мурч кетади.

ОШҚОВОҚ ДИМПАМА

Ошқовоқ пўчоқ ва уруғидан тозаланади, катта кичиклиги гургурт қутисидек қилиб тўғрала-

ди, сўнгга юзига туз сеппиб сариёғда бир оз қовурилади-да, устидан суюқроқ қаймоқ қуйиб, жуда суст оловда 30 дақиқа давомиде димлаб пиширилади.

БЕҲИЛИ ДИМПАМА

Ёлроқ гўшт лўнда-лўнда қилиб тўғралади. Қовуғалари чопилади, туз ва зира сеппиб аралаштирилади. Беҳининг нордон

хили яхшилаб ювилгач, уруғи олиб ташланади-да, қалинлиги 1 см келадиган қилиб тўғралади. Тайёр бўлган масаллик қизитилган қозонга босилади ва юзи билан баробар сув қуйилиб, қозоннинг қопқоғи зич қилиб берки-тилади. Таом суст оловда 1 соат давомиде димлаб пиширилади. Беҳили димлама учун: 2 кг. ёғли қўй гўшти, 1 кг беҳи, таъбга кўра туз, зирворлар ва ошқўклар керак бўлади.

Гўзал ХОЛИҚОВА тайёрлади.

Табассум

Она ўғлидан сўради: — Менга бир лира берсангиз айтаман, — чалайсан? — деди бола. — Укам хурсанд бўлиши учун. — Яхши. Мана сенга бир лира. Энди айтақол. — Бир лира олиш учун-да!

Киз онасига: — Ойи, ойи, дадам уйдан қулиб чиқиб кетганини кўрдим. — Бола онасига деди: — Ойижон, бугун жуда чарчаган кўринасиз. — Ха, шу даражада чарчадингиз, кўлларини кўтаришга ҳам мадорим йўқ.

Онаси афсус қилди: — Эҳ, атанг, отанга нима сотиб олишни айтиш эсимдан чиқибди-я. — Унда сизга айтсам бўлади. Бир идиш мураббони еб қўйдим.

— Нера йиғлаёпсан, Зузу? — отаси қизидан сўради. — Арабчадан Абдулла АЛИМОВ таржимаси.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЛПОНЛАР

ОЛДИНГИЗДА ИШТА ЖОЙЛАШТИРМАНМОСИ ТУРИБДИМИ?

Марҳамат, ёрдам беришимиз мумкин. А. Икромов тумани «Меҳнат биржаси» 14 май соат 9.00 дан 15.00гача бўш иш жойлари ЯРМАРКАСИНИ ўтказида.

Сиз шахримиздаги истаган корхона, ташкилотлардаги мавжуд вакант ўринлари эгаси бўлишингиз мумкин. Ярмарка «Фарҳод» бозори қаршисидagi автобиллар турар жойи майдончасида ўтказилади.

Автобуслар: 2, 8, 13, 41, 77, 116, 125, 182. Трамвай: 4, 9, 17 «Фарҳод» бозори бекати.

ИШГА МАРҲАМАТ!

АҚМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ МЕХНАТ БИРЖАСИ СИЗГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШИШГА ЁРДAM КЎРСАТАДИ:

1. Токар — маши 3896 сўм
2. Бош муҳандис — маши 3849 сўм
3. Молия иқтисодчи мутахассислиги бўйича муҳандис — маши 10700 сўм
4. Тўқувчи — маши 10000 сўм
5. Электромонтер — маши 7200 сўм
6. Қранлар машинисти — маши 5000 сўм
7. Хайдовчи (В С Д тоифа) — маши 10000 сўм
8. Хайдовчи (Д тоифа) — маши 10000 сўм
9. Хайдовчи (ҳамма тоифа бўйича) — маши 8000 сўм
10. Қондиркор — маши 3000 сўм
11. Чилангач-сантехник — маши 3500 сўм
12. Монтажи — маши 3000-5800 сўм
13. Дурдор — маши 3000-8000 сўм
14. Бўёқчи-сувоқчи — маши 3000-8000 сўм
15. Электропайвандчи — маши 3000-5800 сўм
16. Фишт терувчи — маши 3200 сўм
17. Сотувчи — маши 4000 сўм + 15% муқофот
18. Тикувчи — маши 2000 сўм
19. Бош иқтисодчи — маши 5500 сўм
20. Қоровул — маши 1305 сўм + 15%, 35% қўшимча, 75% муқофот
21. Тарбиячи — маши 1735 сўм
22. Уқитувчи — маши 2623 сўм
23. Хамшира — маши 1580 сўм
24. Ёрдамчи — маши 2350 сўм
25. Мебель йиғувчи ишчилар — маши 7000-10000 сўм

Шунингдек, бир қатор бошқа ихтисосликларга ҳам ишга жойлашиш мумкин. МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, АҚМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ, «МОСКВА ОСТОНАСИ» БЕКАТИ, 22-МАВЗЕ 7-УЙ, 6-ХОНА. ТЕЛЕФОНЛАР: 74-58-91, 74-99-17

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий билим юрти 15 ва 20 май кунлари абитуриентлар учун «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» кунини ўтказида.

Тошкент шаҳри, «Чилангач» тумани, «Е» мавзе (Собиқ 68-ўрта мактаб). Метронинг «ХАМЗА» бекати. Автобуслар: 132, 77. Трамвайлар: 4, 9. Троллейбус: 6.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-, 208-ХОНАЛАР.

• Юсак ҳақ тўланадиган иш. Тел: 77-18-35.

